

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИНИНГ
УЗОҚ ВА ЎРТА МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИНИНГ ЭШИТДИМ –
КЎРДИМ – БАЖАРДИМ” ТАМОЙИЛИГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ
СТРАТЕГИЯСИ**

ЧИРЧИҚ- 2022

1. Умумий қондалар, стратегияни амалга оширишнинг зарурияти ва мақсадларини асослаш

Ушбу стратегия педагогика соҳасига иқтисодий моделларни татбиқ қилиш натижасида самарадорликка эришишни назарда тутди. Педагогик таълим кластери тизимга инновацион ёндашув сифатида глобаллашув шароитида унинг рақобатбардошлигини оширишга, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга, таълим сифатини оширишга, ўзаро ахборот ва инновациялар алмашинувини жадаллаштиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 27-июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон ва 2020-йил 27-февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сон қарорлари, 2022-йил 11-майдаги “2022-2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-134-сон Фармони ҳамда 2022-йил 21-июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-289-сон қарорига мувофиқ педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4 босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти “4+2” тартибида мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўтишини ташкил этиш белгиланган. Ушбу фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида “Педагогик таълим инновацион кластери” стратегияси жуда муҳим ҳисобланади. Яъни таълим муассасаларидаги тизимли ёндашувни амалга ошириш учун педагогик таълим инновацион кластери субъектлари орасидаги интеграцияни йўлга қўйиш орқали таълим муассасаларидаги ютуқ ва камчиликларни топиш. Улардаги янгиликларни эътироф этиш, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамда география фани ва таълимнинг ҳозирги аҳволи, ривожланиш муаммолари ва истиқболлари, сўнгги йилларда хорижда ва юртимизда олиб борилаётган географик тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва улардан кутилаётган натижаларни амалиётга жорий этишда, таълим муассасаларида дарс сифатини яхшилаш мақсадида география дарсларини янада қизиқарли ташкил этиш бўйича таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари билан фикр-мулоҳазалар алмашишда, бўлажак география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиларини тайёрлашда кўпроқ нимага аҳамият бериш кераклигини тўлақонли англашда педагогик таълим инновацион кластери катта амалий аҳамиятга эга.

2. География кафедрасининг узоқ ва ўрта муддатга мўлжалланган Стратегик режаси.

2.1. География кафедраси Стратегик режасининг тавсифи.

География кафедраси Чирчиқ давлат педагогика университетининг 2019 йил 29 августдаги 1-сонли Кенгаш қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, Тошкент вилояти ва Республиканинг бошқа ҳудудларидаги Президент мактаблари, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларининг география фани ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш билан бир қаторда ҳозирги кунда республикада илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш ва география фани ўқитиш сифатини фанлараро интеграция асосида ошириш ва илм-фан натижадорлигини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Стратегик режанинг миссияси: Ҳозирги глобаллашув даврида халқаро ҳамкорликни кучайтирган ҳолда илғор хорижий тажрибалар асосида замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, жамиятга касбий компетентли, креатив фикрловчи, юксак педагогик маҳоратга эга кадрларни тайёрлаш орқали кафедра мавқеини ошириш ҳамда география фанининг ўрни ва аҳамиятини юксалтиришдан иборат.

Стратегик режанинг мақсади: Халқ таълими ҳамда олий таълим муассасалари учун замонавий ёндашувлар ва илғор таълим технологиялари асосида чуқур билимли, касбий компетентли, креатив фикрловчи, юксак педагогик маҳоратга эга география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиларини тайёрлаш.

Стратегик режанинг истикболли нигоҳи: Кафедранинг илмий салоҳиятини география ва уни ўқитиш методикаси бўйича илмий тадқиқотларни самарали олиб борадиган илмий мактабларни ташкил этиш орқали ошириш, география таълими нуфузини юксалтиришдаги ўрнини олий таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари учун замон талаблари даражасидаги ўқув адабиётлари ва инновацион педагогик технологияларни яратиш ва жорий этиш орқали мустаҳкамлаш.

Кафедра шиори: “Географияни билиш, дунёни билиш демакдир”.

2.2. Кафедра стратегик режасининг ўрта муддатга мўлжалланган асосий йўналишлари

Бугунги кунда таълимнинг интеграциялашуви жараёнида ҳар томонлама юксак билимга, юқори компетентликка эга бўлган педагог кадрларга нисбатан

талабни қондириш мақсадида олий таълим муассасаларида юқори малакали педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олий таълим соҳасида меърий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларни олий таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш, касбий компетентли бўлажак ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги илмий, инновацион-педагогик фаолиятни қўллаб-қувватлашга қаратилган концептуал ислохотлар амалга оширилишига асос бўлмоқда. Бу жараёнда таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Жамиятимизга етук кадрларни етказиб берувчи олий таълим муассасаларида креатив фикрлайдиган ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига, янги технология ва замонавий ёндашувларни жорий қилиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи, таълим муассасаларига замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига ега, янги методика асосида ўқитишни ташкил эта оладиган, илғор таълим стандартлари ва методикаларини амалиётга жорий этишга қодир касбий компетентли, малакали педагог кадрлар етказиб беришда қатор долзарб масалалар вужудга келмоқда.

Юқоридаги келтирилган ютуқлар, муаммолар ва кафедра ўзининг олдида қўйган мақсаддан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилайди:

- “Педагогик таълимнинг инновацион кластери” орқали ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш;
- Кафедра илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини тизимли йўлга қўйиш;
- Кафедра профессор-ўқитувчилари касбий малакаларини ошириш мақсадида хорижий олий таълим муассасаларига ҳамда маҳаллий малака ошириш институтларига стажировкага юбориш;
- Кафедрада ўқитиладиган фанларнинг янги авлод адабиётларни замонавий талабалар асосида тайёрлаш ва нашр этиш;
- Кафедра маънавий-маърифий фаолиятини ривожлантириб бориш асосида талабаларни қўллаб-қувватлаш.

2.3. Кафедра стратегик сиёсатининг асосий тамойиллари

Кафедра ўзининг асосий йўналишлари бўйича фаолиятини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга амал қилади:

узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришда республикамизнинг таълим тизими соҳасидаги ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш;

кафедра қошидаги таълим йўналишлари ўқув жараёни учун зарур моддий-техник ва ўқув-методик базани яратиш;

талабаларга замонавий талабларга жавоб берадиган пухта билим, амалий кўникма ва малака бериш;

академик эркинлик – талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўз фикр мулоҳазаларини, тадқиқотчилик фаолиятини эркин олиб боришлари ва ифода этишлари керак;

замонавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар ҳамда педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллаш орқали география ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

сифатли таълим – замонавий стандартлар ва меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юқори сифатли таълимни ташкил этиш;

таълим дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш;

рақобатбардошлик (битирувчиларини самарали касбий фаолиятга тайёрлашда назарий ва амалий билимлар ягоналигида таъминлаш);

касбий тайёргарлик – берилаётган таълим талабаларга нафақат назарий билимларни, балки амалиёт билан боғлаш орқали касбий компетентли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш имкониятларини яратишдан иборат.

2.4. Кафедранинг ўрта ва узоқ муддатли стратегик ривожланиш режасининг маркетинг йўналишлари

Мақсадга йўналтирилган: кафедрада маҳаллий кадрлар буюртмачилари ҳамда Халқаро талабларга асосланган сифатли ва самарали таълим муҳитини яратиш орқали чуқур билимли, касбий компетентли, креатив фикрловчи, юксак педагогик маҳоратга эга мутахассис кадрлар тайёрлашга йўналтирилган тадқиқотлар.

Ҳамкорликка йўналтирилган: Хорижий олий таълим муассасалри профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликда замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги авлод адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда бакалавр ва магистратура талабаларини умумтаълим мактаблари, илмий-тадқиқот институтларига малакавий амалиёт ва стажировкаларга юбориш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва интеграцияни яхшилашга қаратилган тадқиқотлар.

3. Кафедранинг ўрта (2022-2025 йилларда) ва узоқ муддатда стратегик ривожланиш режасининг асосий вазифалари

3.1. Илғор илмий тадқиқотларни амалга ошириш

Кафедра илмий тадқиқотларни асосан география фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигига доир ижтимоий ва иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз педагогик таълимнинг мазмун ва мақсадини янгилашга қаратади.

Кафедранинг асосий илмий тадқиқот йўналишлари:

1. Амударё дельтаси геотизимларини тизимли-структурали таҳлили.
2. Замонавий ёндошувлар ва илғор педагогик технологиялар асосида география дарсларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, халқаро тажрибаларни таълим жараёнига самарали татбиқ этиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўқитишнинг методик таъминотини замонавий ривожланиш тенденцияларига мувофиқ такомиллаштириш, амалий машғулотларни илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этиш орқали таълим самарадорлиги ва сифат даражасини кўтаришга эришилади. Шу билан бирга, бугунги кунда олий таълимда ўқув машғулотларини ташкил этиш технологиясини такомиллаштириш, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, амалий ва касбий компетенцияларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун педагогик кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларга фанларни ўқитиш методикасига оид амалий кўникмаларини оширишга қаратилган педагогик ёндашувларни ўргатиш ва фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқитиш методларини такомиллаштириш, уларни янги методика ва замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантиришда қуйидаги фаолиятлар муҳим ўрин тутди:

-янги билим ва технологияларни ривожлантириш – жамият ва иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин бўлган янги билим ва технологияларни ишлаб чиқиш;

-илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш – билимларни турли соҳаларда илмий-амалий тадқиқот олиб боришга қаратилган асосий вазифа бўлиб, замонавий глобал муаммоларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларни қамраб олади;

-илмий - тарбиявий фаолиятни олиб бориш – илғор илмий тадқиқотлар нафақат янги билимларни яратишга, балки ўқув-педагогик жараёнга интеграциялашган ҳолда ўқув дастурларини бойитишга, жорий илмий лойиҳаларда иштирок этиш имконини беради;

-истеъдодли кадрларни жалб қилиш ва сақлаб қолиш - илғор тадқиқотлар билан шуғулланиш имконияти юқори малакали кадрларни жалб этиш ва уларни сақлаб қолиш учун туртки саналади;

халқаро ҳамкорлик – глобал миқёсдаги билим ва технологиялар алмашинувига ёрдам берадиган халқаро илмий лойиҳалар ва тармоқ тадқиқотларида фаол иштирок этиш;

Бу вазифалар биргаликда кафедрада илм-фан технология ривожиди, замонавий баркамол кадрларни шакллантиришда ҳамда уларнинг бутун жамиятимизни барқарор ривожланишига ҳисса қўшишларида муҳим аҳамият касб этишини таъминлайди. Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун кафедра жамоаси томонидан ташкил этилган қуйидаги илмий-тадқиқот марказлари негизида замонавий тадқиқотлар олиб борилади.

1. “Геоахборот тизимлари”

2. “Замонавий географик майдонча”.

Ўрта муддатли стратегик режаси бўйича 2025 йилга қадар нашр этиш фаоллиги кўрсаткичлари Web of Science ва Scopus базасига кирган журналлардаги нашрлари сони ҳар бир профессор-ўқитувчига – 0,5 тани, бир нафар илмий-педагогик ходимнинг илмий ишларига қилинган иқтибосларнинг ўртача сони - 2 тани, хорижий олимлар билан ҳамкорликда нашрларнинг улуши – 5 % ни ташкил этиши лозим.

Узоқ муддатли стратегик режа бўйича 2030 йилга бориб Web of Science ва Scopus базасига кирган журналлардаги нашрлари сони ҳар бир илмий-педагогик ходимга - 2 тадан, бир нафар илмий-педагогик ходимнинг илмий ишларига қилинадиган иқтибослар сони - 5 тани, хорижий олимлар билан ҳамкорликда нашрларнинг улуши – 10 % ни ташкил этиши кўзда тутилади.

Узоқ муддатли стратегик режа бўйича 2030 йилга келиб илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг тижоратлаштиришдан тушадиган маблағ 10 миллион сўмни, хорижий университетлар, илмий ташкилотлар ва компаниялар билан қўшма илмий лойиҳалардаги кафедранинг улуши камида 10 % ни ташкил этади.

3.2. Инновацион экотизимни яратиш

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда таълим сифати ва қамровини ошириш ҳамда ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича

самарали механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш борасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида

- тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

- педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш;

- педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

- соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

- педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истикболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

- педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

- педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

- юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш каби устивор йўналишлар белгиланган.

Ушбу йўналишлар фаолиятини тадбиқ этиш республикамизда инновацион экотизимнинг тегишли элементлари тўлиқ шаклланиши ва изчил ривожланишига хизмат қилади.

Талабаларни илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга жалб этиш бир неча асосий жиҳатларни талаб этади:

ўқув жараёнининг илмий-амалий кўриниши – ўқув дастурлари такомиллаштирилиши лозим ва улар талабаларда илмий тафаккур, таҳлилий ёндашиладиган тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим (амалий масалалар, лойиҳа ишлари, лаборатория машғулоти, мустақил таълим киради);

зарур ресурсларнинг мавжудлиги – тадқиқот ўтказиш учун зарур ахборот ресурслари, маълумотлар базалари, замонавий лабораториялар ва технологик воситалардан фойдаланиш имконияти мавжудлиги;

ўқитиш ва баҳолаш усулларида фойдаланиш – ўқув жараёнига технологияларни интеграциялаш ва талабаларнинг академик фаолиятини баҳолаш учун инновацион усулларни жорий этиш;

изланиш ва дизайн гуруҳларини ташкиллаштириш – тадқиқот ва дизайн гуруҳларини, шу жумладан талаба ва ўқитувчилар ўртасида инновацион таълим технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун ышакллантириш;

менторлик ва қўллаб қувватлаш – талабаларни тадқиқот ишларини, инновацион фаолиятини ривожланишига, технологик лойиҳалар ва ғояларни тижоратлаштиришга ёрдам берадиган ва мунтазам равишда маслаҳатлар, фикр мулоҳазалар тақдим эта оладиган малакали илмий маслаҳатчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг бўлиши;

инвестицияларни жалб қилиш – университет илмий базасини ва инновацион лойиҳаларни қўллаб қувватлаш учун ташқи инвестициялар ҳамда грант воситаларини жалб этиш;

инновация ва тадбиркорлик маданияти кўникмаларини бирлаштириш – талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида илмий замонавий фикр-мулоҳазаларни ривожлантириш, янги ғоялар ва ишланмаларни тижоратлаштиришга ёрдам берадиган маданиятни шакллантириш;

кафедра қошида ташкил этилган замонавий география майдончасида талабаларнинг амалий компетенцияларини ривожлантириш мақсадида янги ўқув жиҳозлари ва кўргазмали воситаларни такомиллаштириш.

мониторинг ва самарадорликни баҳолаш – мониторинг гуруҳини ташкил этиш орқали кўзланган мақсадларга эришиш учун инновациялар фаолияти самарадорлигини баҳолаш кабилар талаб этилади.

Ушбу чора тадбирлар илмий ва тадқиқотчилик ташаббусларини ривожлантиришга, талабалар ва профессор-ўқитувчилар инновацион лойиҳаларини қўллаб қувватлашга хизмат қиладиган қулай инновацион экотизимни яратишга ёрдам беради.

Кутиладиган натижалар:

- инновацион ўқитиш ва баҳолаш усуллари жорий этиш орқали талабаларнинг ютуқларини оширишга, танқидий-таҳлилий фикрлашни яхшилаш;
- инновацион ечимлар ва технологияларни яратиш орқали университет инвесторларни эътиборини жалб эта оладиган янги технологиялар ва инновацион ечимларни ишлаб чиқиш марказига айланиши;
- муваффақиятли инновацион лойиҳалар ва тадқиқотлар университет обрўсини, рейтингини ошишига ва малакали кадрлар, истеъдодли ёшларни жалб қилишига эришиш;
- университетнинг минтақавий инновацион экотизими билан интеграцияси орқали маҳаллий ва хорижий илмий марказлар билан ўзаро муносабатларни яхшиланишига, минтақавий инновацион ташаббуслар ва лойиҳаларда иштирок этишини таъминлашга;
- фаол илмий ва инновацион фаолият туфайли университет халқаро рейтингини яхшиланишига эришилади.

Ушбу аниқ кутилган натижалар университетда инновацион ва илмий-тадқиқот ташаббусларининг самарадорлигини ўлчашга ёрдам беради, илм-фан ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларида кўзда тутилган ислохотларида назарда тутилган олий таълим тизими қамрови, сифати ва салоҳиятини тубдан ўзгартириши ҳамда пировардида замонавий билимга эга олий маълумотли, илмий салоҳиятли битирувчилар сонининг кескин ортишига, бу эса педагогик фаолият соҳаларини, таълим бозори илмий иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди.

3.3. Педагогик таълим инновацион кластери шароитида янги таълим:

Ривожланаётган таълим эҳтиёжлари ва технологияларига мослаштирилган янги педагогик стратегияларни амалга ошириш, халқаро ўқитувчи тайёрлашга эътибор қаратиш, Кембриж дастурларини ўрганиш ва ўқув дастурларига сингдириш муҳим саналади.

Кафедрада педагогик таълим инновацион кластери “Эшитдим – кўрдим – бажардим” тамойилига асосланган бўлиб, *мақсади*: олий таълим муассасасининг умумтаълим мактабларига (табиий фанларни ўқитиш)га методик ёрдам кўрсатиш, таълим сифатини ошириш, ўқитувчиларни узлуксиз касбий ривожлантириш, ҳамда замонавий таълим ёндашувларини тадбиқ этиш, битирувчиларни касбга йўналтириш орқали олий таълимга қамровини ошириш, дарс машғулотлари ва ўқув жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида самарали ташкил этиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Педагогик таълим инновацион кластерининг асосий вазифалари:

1. Узлуксиз таълим тизимида табиий- илмий саводхонликни ривожланиш даражасини ошириш методикасини шакллантириш;
2. Табиий фанларни ўқитишда ва илмий тадқиқот жараёнида “Эшитдим,- кўрдим - бажардим” тамойилининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;
3. Табиий фанларни ўқитишда инновацион педагогик технологияларни жорий этиш методикасини шакллантириш ;
4. "Мактаб-лаборатория" инновацион тажриба майдончаларида педагогик тажриба-синов ишлари сифат ва самарадорлигини ошириш методикасини такомиллаштириш;.
5. Узлуксиз таълим тизимида табиий- илмий саводхонликни ривожланиш даражасини ошириш методикасини шакллантириш.

Шунингдек, педагогик таълим инновацион кластери бир қанча муҳим масалаларни ҳам ўз ичига олади:

- илмий асосланган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов жараёнларини ташкил қилиш, педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш;
- педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;
- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш ҳамда ўқувчиларни PISA дастурига тайёрлаш;
- кафедрада география таълими бўйича ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;
- таълим босқичларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида география таълимида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва илмий асосланган ҳолда ечимини ишлаб чиқиш орқали таълим сифатини яхшилаш чораларини кўриш;
- ўқув-меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, ўқув-услубий қўлланмалар яратиш, амалий машғулот материалларини ишлаб чиқиш ва таълим жараёнига жорий қилиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни ўрганиш ва бартараф этиш, пировардида таълим сифатини яхшилаш;
- педагогик таълим кластери география таълимида таълим босқичлари билан ҳамкорликда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий, ўқув-методик базаларини шакллантириш, педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириш;
- иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни ривожлантиришда ОТМ талабаларини жалб этиш орқали уларда педагогик кўникмаларни шакллантириш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш;

- педагогик таълим инновацион кластери асосида география таълимини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш.

Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий тадқиқот йўналишлари:

1. Табиий – илмий саводхонликни ривожлантириш мақсадида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар даражасига мос кадрларни тайёрлашда бакалаврият ҳамда магистратура талабалари ўртасида табиий – илмий салоҳият, педагогик қобилиятни баҳоловчи ягона таҳлил маркази фаолиятини ташкил этиш;

2. Табиий фанлар соҳасида ПТИК фаолиятни самарали ташкил этиш учун онлайн табиий фанларни ўқитиш маҳорат курсларини ташкил этиш ва курс фаолияти самарадорлигини доимий назорат қилиб бориш;

3. Узлуксиз таълим тизимида табиий илмий саводхонликни ривожланиш даражасини экологик ва тиббий саводхонлик асосида таҳлил қилиш ҳамда мазкур бўғинларда мавжуд педагогик-илмий методик тайёргарлик томонидаги камчиликларни бартараф этиш

Кутиладиган натижалар:

- таълим босқичларида география таълими бўйича ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилади ва ўзаро ҳамкорлик асосида география таълимидаги мавжуд муаммолари аниқланади ва илмий асосланган ҳолда ечимини ишлаб чиқиш орқали таълим сифатини яхшилашга эришилади;

- педагогик таълим инновацион кластери воситасида умумтаълим мактабларида география кафедраси филиаллари ташкил этилади;

- умумий ўрта таълим мактабларида география фанларини ўқитиш методикаси такомиллашади;

- география таълими мавжуд таълим муассасалари ўртасида ўзаро ўқув-услугий ва илмий-методик ҳамкорликни кучайтириш орқали таълим сифатини ошишига эришилади;

- ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликни шакллантиришга қўйиладиган талаблар, ундан келиб чиқадиган таълим мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг компетенциявий ёндашув асосида ташкил этилиши, ўқитиш методлари, воситалари, шаклларининг уйғунлиги ва уни амалга оширишда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларда табиий-илмий саводхонликнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш имконини берадиган рейтинг назорати воситалари, стандарт ва ностандарт тест топшириқлари ишлаб чиқилади;

- педагогик таълим инновацион кластери асосида география таълимини ривожлантириш моделларининг электрон дастури учун Интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномаси олинади;

- педагогик таълим инновацион кластери асосида география таълимини ривожлантириш модели бўйича хорижий ва маҳаллий илмий журналларда мақолалар нашр этирилади.

- кафедра магистрантлари, тадқиқотчи ўқитувчилар, докторантларнинг тажриба майдони вужудга келади ҳамда кафедраларнинг илмий тадқиқот фаолият кўлами оширилади.

Кафедрада илмий тадқиқот ва таълим ажралмас ҳолда олиб борилади. Шу муносабат билан қуйидаги асосий фанлараро илмий йуналишлар ва улар билан боғланган ИТМлар магистрлик ва докторлик дастурларининг интеллектуал ва ташкилий асоси сифатида хизмат қилади ҳамда уларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради:

- “Амударё дельтаси геотизимларини тизимли-структурали таҳлили” раҳбар г.ф.д., доц. А.К.Уразбаев.

- “Геоахборот тизимлари” илмий-тадқиқот маркази раҳбар г.ф.ф.д., (PhD). Ж.А.Намозов

- “Замонавий ёндошувлар ва илғор педагогик технологиялар асосида география дарсларини ташкил этиш методикасини такомиллаштириш” раҳбар г.ф.ф.д., доц. Ф.Т.Ражабов.

- “Замонавий географик майдонча” раҳбар: п.ф.ф.д. О.Абдимуратовлар фаолият олиб боради.

Рақобатбардошликни оширишда таълим фаолиятини халқаролаштириш алоҳида ўрин тутди. Бунда, хорижий ҳамкор университетлар билан қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, таълим дастурларининг халқаро оммавий ва касбий аккредитациядан ўткази, хорижий талабаларнинг ўқишга жалб қилиш каби механизмлардан кенг фойдаланилади.

Кафедрада инглиз тилида сўзлашув муҳитини яратиш, ҳамкор университетлар билан таълим дастурларини мувофиқлаштириш ва халқаро илмий мобилликни ривожлантириш ишлари давом этирилади.

Табиий - илмий саводхонликни ривожлантириш ва халқаро даражадаги педагогларни тайёрлаш борасида SCIENCE, STEAM ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

- табиий – илмий саводхонлик асосида ёшларни тарбиялаш ҳамда улар бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий

усуллари (STEAM – SCIENCE LAB)лар ва креатив табиий фанларлар ижодий марказлари ва тўғаракларини жорий этиш;

- табиий фанларни ўқитишда назарий билимларни амалиётга айлантириш, лабораториялар, тадқиқотлар, ижтимоий тажрибалар орқали ўқувчиларни ўқитиш;

- замонавий таълим стандартларига мос ҳолда халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва табиий фанлар бўйича инновацион START UP ларни умумтаълим мактаблари қошида жорий этиш;

- мамлакатимизда 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури бўйича таълим бера оладиган “халқаро даражадаги” ҳамда табиий фанлар ривожини дунё стандартлари даражасида шакллантира оладиган кадрларни тайёрлаш;

- таълим дастурларини тайёрлашда илмий –тадқиқотга асосланган, таълим стандартларига мос равишда ўқитиш машғулотларини ва ресурсларини интеграция қилиш;

- табиий фанлар бўйича педагогика ва методика фанларига оид тадқиқотларни халқ таълимида жорийлаштирилишини таъминлаш, ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида жорийлаштирилган таълим ютуқлари, педагогик технологиялар ҳамда электрон дарсликларни кенг таълим тизими субъектларига тадбиқ этиш;

- Умумтаълим мактаблари билан ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида 2-4 курсларда “4+2” тартибида малакавий амалиётни ташкил этиш, бу орқали бўлажак география фани ўқитувчиларининг амалий-касбий кўникмаларини шакллантириш ва педагогик маҳоратини ошириш.

- табиий фанлар бўйича педагогик амалиётнинг (4+2 дастурининг) чорак ҳисоботларини ташкил этиш ва битирувчи бакалавр талабаларининг педагогик маҳоратини таҳлил ва тадқиқ этадиган ҳар бир педагогик ОТМ қошида сифат экспертизасини ташкил этиб, фаолият юритишини таъминлаш;

- табиий фанларни ўқитиш ва баҳолаш методлари, шунингдек дарсликлар ва бошқа ўқув материалларини энг самарали таълим таксономиялари асосида ташкил этиш ва танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари ва бошқа малакаларни ривожлантиришга қаратилган мустақил ва ижодий таълимни ривожлантириш;

Кафедрада таҳсил олаётган талабалар **эшитдим, кўрдим** босқичларида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини, **бажардим** босқичида география фанига оид компетенцияларга айлантиради (назарий, амалий ва мустақил таълим уйғунлиги амалга ошади).

3.4.Юқори малакали ходимлар таъминоти

Инглиз тили ва педагогика бўйича турли тажрибага эга юқори даражадаги профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш ва мунтазам иш билан таъминлаш, илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар сонини, шунингдек, халқаро ўқитувчи тайёрлашда ўз ҳиссасини қўша оладиган, Кембриж ва бошқа халқаро даражадаги касбий ривожланиш курсларида малака оширган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу вазифани бажариш учун асосий қадамлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- малакали ўқитувчиларни излаш ва ишга олиш - инглиз тили ва география, педагогика соҳасида юқори даражадаги билимга эга мутахассисларни жалб этиш;

- ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш: профессор-ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларида қўллаб-қувватлаш, илмий конференциялар ва нашрларда қатнашишни рағбатлантириш;

- халқаро ўқитувчилар малакасини ошириш: Кембриж университети ва бошқа етакчи таълим муассасалари каби халқаро ҳамкорлар иштирокида малака ошириш курсларини ташкил этиш;

- касбий ривожланишни рағбатлантириш: семинарлар, вебинарлар, мастер-класслар ва ўқитишнинг бошқа шаклларида иштирок этиш орқали ўқитувчиларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятларини таъминлаш;

- самарадорликни ўлчаш ва стратегияларни мослаштириш: юқори малакали ўқитувчиларни жалб қилиш ва ушлаб туриш учун дастурлар ва стратегияларнинг самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш;

- кафедра қошида 11.00.01.-Табиий география ва 11.00.02.-Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликлари бўйича таянч докторантурани очиш ва уларга ёш профессор-ўқитувчиларни жалб этиш ҳамда номзодлик ишларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш орқали кафедра салоҳиятини кўтариш.

Ўрта муддатли стратегик режа бўйича университетда 2025 йилга қадар бўлган даврда қуйидаги стратегик натижалар кўзда тутилади:

- профессор -ўқитувчилар умумий сони 8 тадан оширилади, жумладан:
 - чет эллик илмий-педагогик ходимларининг улуши 5 % дан ортиқ,
 - дунё даражасидаги олимлар сони - камида 1 нафар;
 - Хирш индекси 5 дан юқори бўлганлар профессор-ўқитувчилар сони - камида 4 нафарни ташкил этиб, илмий саҳият 75 % га кўтарилади.

Узоқ муддатли режада 2030 йилга бориб дунё даражасидаги олимлар сони - камида 2 нафарни, хирш индекси 5 дан юқори бўлган ходимлар 8 тани, умумий контингентга нисбатан - камида 50 % ни ташкил қилади.

Кафедранинг 2030 йилда илмий салоҳият кўрсаткичи 90 % ни ташкил этади.

3.5. Ахборот инфратузилмаси

Кафедра ахборотлашган жамият шароитида узлуксиз педагогик таълимни ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириш орқали ахборот инфратузилмасини яратади. Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим шарти - таълим мутахассисларини сифатли тайёрлаш учун барча турдаги ресурсларни такомиллаштиришдир.

Педагогик таълим жараёнида ахборот инфратузилмасини шакллантириш учун қуйидаги босқичлар муҳим аҳамият касб этади:

- биринчи навбатда, ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида талабалар ва ўқитувчиларнинг ахборот талабларини ва тушунчаларини тўғри тушунтириш керак. Бу, ахборот тизимини қандай шакллантиришнинг кераклигини аниқлашга ёрдам беради;

- таълим жараёнида ахборот тизимининг асосий компонентларини белгилаш ва тайёрлаш, масалан, тармоқлар, серверлар, маълумотларни сақлаш жойлари, йўналтириш воситалари (роутернинг йўналтирилиши, интерфейслари, бевосита бошқариш) ва хавфсизликни кучайтириш;

- узлуксиз таълим жараёнида дастурий таъминотни танлаш – университетда мақсадли кадрларни етиштиришда керакли дастурий таъминотни танлаш. Бу, электрон кутубхоналар, веб-сайтлар, маълумотлар базалари, ўқитиш платформалари, видео-конференциялар учун дастурий воситалар ва бошқа дастурий таъминотларни ўз ичига олади;

- интеграция ва таълим - ахборот инфраструктураси ва дастурий таъминот, ўқув жараёнини ўзлаштириш учун ўзаро интеграцияга эга бўлиши керак. Бу, ўқитувчилар учун дастурий таъминотларни ўрганиш, талабалар учун ўқиш вақтида ресурслар билан ишлашни осонлаштиради;

- мониторинг ва ўқиш - ахборот инфраструктураси ва дастурий таъминотни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини куриш. Бу, тизимнинг ишлашини назорат қилиш, хавфсизлик муаммоларини аниқлаш ва хизмат сифатини оширишга ёрдам беради.

Педагогик таълим жараёнида яхши шаклланган ва содда фойдаланиладиган ахборот инфраструктурасининг натижалари қуйидаги бўлиши кўзда тутилади:

1. Ўқитиш ва ўрганиш жараёнларини янада қулайлаштириш: Дастурий таъминотлар, электрон кутубхоналар ва веб-сайтлар орқали ўқувчилар ва ўқитувчилар маълумотларни осон олишлари мумкин бўлади. Бу, ўқиш ва ўрганиш жараёнларини янада самарали ва қулай қилади.

2. Яхши шаклланган ахборот инфраструктурасининг мавжудлиги, ўқитиш усуллариини инновацион ва интерактив қилишга ёрдам беради. Виртуал ўқитиш платформалари, онлайн маълумотлар базалари, дастурий таъминотлар ва бошқа имкониятлар, ўқитувчилар учун янги усуллар ва талабалар учун янги ўрганиш имкониятларини очади.

3. Такдимот ва маълумот алмашиш имкониятлари: видео-конференциялар ва бошқа дастурий таъминотлар орқали ўқитувчилар ва талабалар ўртасида такдимотлар ўтказиш, маълумот алмашиш ва биргаликда ишлаш имкониятларини яхшилайдди.

4. Талабаларнинг ўзлаштириш имкониятлари: электрон портфейллар, маълумот базалари ва дастурий таъминотлар орқали талабалар ўзининг ўзлаштиришини яхшилайдди ва ўқув натижаларини амалиётда ишлаб чиқишга имконият яратади.

5. Ташкилот ишлари ва бошқарувни яхшилаш: ахборот тизимлари ва дастурий таъминотлар, университет бошқарувини автоматлаштириш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Бу, университет ишларини ривожлантириш ва самарали бошқариш имкониятларини оширади.

6. Хавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилиш: яхши шаклланган ахборот инфраструктурасининг муҳим компонентлари хавфсизлик ва маълумотларни ҳимоя қилишдир. Бу, талабалар, ўқитувчилар ва университетнинг ўзини муҳофаза қилишини таъминлашда жуда муҳим рол ўйнайдди.

7. Ахборот инфраструктурасининг яхши шаклланган бўлиши, ўқувчилар ва ўқитувчилар учун ишбилармон ва маънавий атмосферани яратади. Бу, таълим жараёнларини самарали бошқариш, талабалар учун қулай ва ўқитувчилар учун мақсадга мувофиқ маълумотлар билан таъминлашда ёрдам беради.

8. Содда ва самарали ахборот инфраструктураси талабаларнинг ва ўқитувчиларнинг мотивациясини ошириш, инновацион ўқитиш усуллариини жорий этиш ва университетнинг турли соҳаларида ривожланишини таъминлашда ёрдам беради. Бундай натижалар ўқув жараёнларининг сифатини ошириш ва талабалар учун янги имкониятлар очишга олиб келади.

Жаҳон миқёсида педагогик узлуксиз таълим ахборот инфраструктурасининг яхши шаклланган бўлиши, таълимни инновацион ва самарали қилиш, талабаларнинг ўзлаштиришини яхшилаш ва ўқитувчиларга

янги ўқув ва таълим усуллари ўрганиш имкониятини беради. Бу, дунёнинг ҳар қандай нуқтасидан талабалар учун маълумотларга осон кириш ва уларга ўз ўқув мақсадларини яхшилаш имконини беради.

3.6. Иқтисодий ва молиявий модель

Узлуксиз педагогик таълим тизимини моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – мактабгача, махсус, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва қўшимча педагогик таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базаларини, уларнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобланади. Педагогик таълимни самарали ташкил этишда университетда иқтисодий молиявий модел таъминотини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этадиган ҳаракатлар мажмуи мавжуд бўлиб ва бир қанча босқичларда амалга ошириш мумкин бўлади:

- молиявий стратегия: кафедра раҳбарлари ва ходимлари ўртасида кафедраларининг иқтисодий молиявий стратегиясини ривожлантириш лозим. Бу стратегия ўқув йили давомида кафедранинг маблағларини тўплаш, харажатларни оптималлаштиришни ўз ичига олади;

- ҳамкорлик ва даромад олишнинг янги манбалари: кафедралар халқаро ҳамкорлик ва молиявий муносабатлар тизимини ривожлантириш ва янги манбаларни қидириш учун интеграция қилиш керак. Бу, халқаро грантлар, таълим алмашиш дастурлари, лойиҳаларга қўшилиш орқали кафедранинг молиявий моделни янада ривожлантиришга ёрдам беради;

- тажрибали ходимларни жалб этиш: кафедра иқтисодий молиявий моделни такомиллаштиришда тажрибали ходимларни мотивациялаш, ривожлантириш ва янги ходимларни танлаш ва уларга янги йўналишларни таклиф этиш жуда муҳимдир. Бу, кафедраларнинг молиявий моделини ривожлантириш ва ўзлаштиришда муҳим рол ўйнайди;

- харажатлар бўйича таҳлилий ишларни олиб бориш: кафедра харажатларни оптималлаштириш учун таҳлилий ишларни олиб бориши керак. Бу, хизмат ходимлари, лаборатория жиҳозлари, электрон таъминотлар ва дастурий таъминотларга ажратилган маблағлар тўғрисида ўртачасини тақдим этишга ёрдам беради;

- харажатни ошириш стратегиясини ривожлантириш: кафедра даромад олиш учун харажатларни ошириш стратегиясини ривожлантириш керак. Бу стратегия тижоратлаштириш, ташкилотлар билан спонсорлик шартлари яратиш ва қўшимча харажат манбаларини тақдим этишни ўз ичига олади;

- инновацион технологияларни жорий қилиш ва қўллаш: кафедра иқтисодий молиявий моделни такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш ишларини олиб бориши керак.

Кафедрада иқтисодий молиявий моделни такомиллаштириш учун юқорида келтирилган йўналишларни амалга ошириш, кафедра учун самарали ва мустақкам иқтисодий молиявий моделни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Бу жараён ташкилотнинг молиявий мустақил бўлишини таъминлаш ва ўқувчиларга юқори сифатли таълим беришда ёрдам беради.

4. География кафедрасининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг эшитдим – кўрдим – бажардим” тамойилига асосланган таълим Стратегиясинининг асосий Стратегик ташаббуслар

СТ-1. География таълими ва илмини янада ривожлантириш.

Стратегия мақсади: Таълим жараёнига инновацион ёндашувларни, замонавий педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларни қўллаш орқали географик билимларнинг сифатини ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, бўлажак география ўқитувчиларининг фанга ва касбга бўлган мотивациясини ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантириш, географининг илмий, амалий ва технологик жиҳатларини яхшилаш, янги авлод адабиётларини нашр этиш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш, соҳага оид фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) диссертация ишларини кўпайтиришдан иборат.

География таълими ва илмини ривожлантириш комплекс ёндашувни талаб қилади. Шу боидан ушбу ташаббус куйидагиларни амалга оширишга қаратилади:

- география соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг сифатини оширишга ва янги тадқиқот методологияларини жорий қилишга;
- география таълими ва тадқиқотлари учун инновацион дастурий таъминот ҳамда технологияларни жорий этишга;
- географик ахборот тизмларидан (ГИС технологияларидан) фойдаланишни кенгайтиришга;
- ўқув жараёнларига замонавий педагогик технологиялар ва методларни қўллаш ҳамда тарғиб қилишга;
- халқаро конференциялар ва семинарлар ташкил этиш орқали халқаро миқёсдаги ташкилотлар ва олимлар билан тажриба алмашинишга;
- илмий марказ ва институтлар билан ҳамкорликда тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишга;

- географиянинг турли тармоқларидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга;

- Профессор-ўқитувчиларнинг профессионал салоҳиятини ошириш учун мунтазам тренинглар ва семинарлар ташкил қилишга;

- талабаларнинг билим ва қобилиятларни рағбатлантириш, иқтидорларни аниқлаш, ижодий салоҳиятини ошириш ва ўзаро рақобатни қўллаб-қувватлаш мақсадида танловлар ташкил этишга;

- таълим дастурлари ва дарсликларни замонавий талаблар ҳамда соҳадаги илмий, амалий янгиликларга мослаштирилган янги авлод адабиётларини тайёрлаш ва нашр этишга қаратилган.

Стратегик ташаббуснинг мақсади ва амалга ошириладиган масалаларидан келиб чиқиб қуйидаги асосий вазифаларни белгилайди.

1-вазифа. Географик билимларнинг сифатини ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида таълим жараёнига инновацион ёндашувларни, замонавий педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларни қўллаш бўйича тадқиқотларни олиб бориш ва натижалари асосида фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш.

Бу вазифани амалга ошириш учун кафедра профессор-ўқитувчиларини география ўқитиш методикасига оид илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда илмий ишланмаларини амалиётга жорий этишда амалий ёрдам бериб борилади.

2-вазифа. Бўлажак география ўқитувчиларининг фанга ва касбга бўлган мотивациясини ошириш мақсадида улар ўртасида турли танлов ва мусобоқаларни ташкил этиш.

Бу вазифани амалга оширишда талабалар орасидан иқтидорлиларини саралаб олиш мақсадида турли танлов ва мусобоқалар ўтказиб, география таълими ва илмига қизиқувчиларни аниқлаб олинади ҳамда уларни қизиқиш соҳаларига қараб кафедра-профессор ўқитувчиларига бириктириш, улар билан биргаликда илмий мақола ва тезислар нашр эттириш, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишларини ҳимоя қилишга кўмаклашилади.

3-вазифа. География таълими ва илмини янада ривожлантириш соҳасига оид замонавий талаблар асосида янги авлод адабиётларини ҳамда монографияларни тайёрлаш ва нашр этиш.

Бу вазифани амалга ошириш учун авваломбор, замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиб, унга мос ҳолда ўқув режа ва фан дастурлари яратилади. Сўнгра бу ўқув режа ва фан дастурларга асосан хорижий олимлар билан ҳамкорликда янги авлод адабиётлари тайёрланади ва нашр этилади.

Шунингдек, география таълими ва илмига оид тадқиқотларнинг натижалари асосида монографиялар chop этилади.

4-вазифа. География таълими ва илмини янада ривожлантириш орқали халқаро даражадаги кадрлар тайёрлаш.

Бу вазифани амалга ошириш мақсидида кафедра профессор – ўқитувчиларини чет мамлакатларга стажировка, малака ошириш ва докторантураларга юбориш, географиянинг турли соҳаларини ўзида жамлаган тренинглар, семинарлар ва курсларни ташкил қилиш, мутахассислар ёрдамида турли тилларда (инглиз, рус) дебатлар олиб бориш, талабаларни халқаро даражадаги фан олимпиадаларига тайёрлаш, уларни чет тилларини ўрганишга рағбатлантириш ва қўллаб-қуватлаш, уларни глобал стандартлар ва талабларга ҳамда рақобатга мослаштириш, инновациялардан фойдаланиш ва юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилади.

5-вазифа. Кафедра қошида Халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш.

Бу вазифа доирасида анжуман ўтказиш бўйича ташаббусни тасдиқлатиш учун мавзуси ва ўтказиш зарурлигини юзасида асоссанома ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикасида 2025 йилда ўтказиладиган халқаро илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига киритилади, анжуман дастури, йўналишлари ва ташкилий қўмитасини таркиби тузилади ҳамда тасдиқлатилади, анжуманда хориж ва республикаимиздаги олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари ҳамда кадрлар буюртмачи ташкилотлари иштирокини таъминлаш учун уларга расмий таклифномалар юборилади ҳамда анжуманни ўтказиш учун юқори савияда тайёргарлик кўриш ҳамда ўз вақтида ўтказилиши таъминланади.

География таълими ва илмини янада ривожлантиришдан кутилаётган натижалар:

- География соҳасидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш орқали кафедра илмий салоҳиятини оширади.

- География, экология, урбанистика, транспорт, ресурслар бошқаруви ва бошқа соҳаларда самарали қарорлар қабул қилиш ва муаммоларни ҳал қилишда географик ахборот тизмларидан (ГИС технологияларидан) фойдаланиш яхши самара беради.

- Талабалар ўртасида турли танлов ва мусобоқаларни ташкил этиш фанга ва касбга бўлган мотивациясини ошириш билан бирга уларнинг ижодий салоҳиятини ошириш имконини беради.

- Замонавий талаблар асосида янги авлод адабиётларини нашр этиш орқали технологик инновациялардан фойдаланиш, халқаро стандартларга

мослашиш, илмий, таълимий ва ижтимоий соҳаларга оид юқори сифатили материалларни тўплашга, оммалаштирилишга ёрдам беради.

- Профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг фанга оид ва касбий компетенцияларини доимий равишда ривожлантириб бориш, халқаро даражадаги юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга замин яратади.

- Халқаро конференциялар ва семинарларни ташкил этиш, глобал даражадаги билим ва тажриба алмашиш, янги ҳамкорликларни ривожлантириш ва илмий алоқаларни кучайтириш, инновацион ғоялар ва янги технологиялар билан танишишга имконият яратади.

- Профессор – ўқитувчиларини чет мамлакатларга стажировка, малака ошириш ва докторантураларга юбориш кафедра ва университет рейтинги ошишига хизмат қилади.

СТ-2. “Моддий-техник таъминотни модернизациялаш”

Стратегия мақсади: География фанини ўқитишда индивидуал таълимга асосланган замонавий планшетлар билан таъминланган ва Wi-Fi интернет тармоғига уланган “География смарт хонаси” да дарс машғулотларини олиб бориш орқали ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш.

“География смарт хонаси” факультетнинг асосий стратегик ташаббуси ҳисобланиб, бу орқали факультет узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришда интерактив таълим воситаларидан фойдаланиб, ўқув жараёнининг оптималлаштиради.

“География смарт хонаси” жамиятга касбий компетентли, креатив фикрловчи, юксак педагогик маҳоратга эга кадрларни тайёрлашда энг сўнги замонавий таълим дастурлари ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни назарда тутди.

Ўқув хоналарининг моддий-техник таъминотни модернизациялаш яъни интерактив хариталар, виртуал тур ва симуляция дастурлари билан таъминланган замонавий планшетлар географик воқеа ва ҳодисалар, объектлар ҳақидаги маълумотларни кўргазмали тарзда тақдим этиш, географик жойлашувларини аниқлаш, уларнинг ҳажми ва ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш, статистик маълумотларни қайта ишлаш ва диаграммаларда тасвирлаш имкониятларини беради.

Педагогик таълим инновацион кластерининг “Эшитдим-кўрдим-бажардим” тамойили стратегиясини амалга оширишда “География смарт хонаси” жуда муҳим ҳисобланиб, маъруза машғулотларида эшитган географик воқеа ва ҳодисалар, объектлар ҳақидаги назарий маълумотларини,

замонавий планшетлар билан таъминланган ва Wi-Fi интернет тармоғига уланган “География смарт хонаси” да ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида кўришлари ва амалиётда бажариш имкониятларига эга бўлади. Бўлажак ўқитувчиларни “Эшитдим-кўрдим-бажардим тамойили” асосида ўқитиш ва уларда мустақил ишлаш ҳамда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантиришда ўқув хоналарининг моддий-техник таъминотни модернизациялаш яъни замонавий таълим воситалар билан жиҳозлаш ва улардан ўқув жараёнларида фойдаланиш жуда катта самара беради.

Шу боисдан, ўқув хоналарининг моддий-техник таъминотни модернизациялашнинг қуйидаги асосий вазифалари мавжуд.

1-вазифа: Табиий фанларни ўқитишда мультимедиялардан фойдаланиш мақсадида электрон доскалар ва проекторлар билан жиҳозлаш.

Табиий фанларни ўқитишда асосан табиат компонентлари билан боғлиқ бўлган маълумотлардан жуда кўп фойдаланилади, электрон доскалар ва проекторлар билан жиҳозланган хоналарда мультимедиялардан фойдаланиб, ушбу маълумотларни кўргазмали тарзда тақдим этиш орқали талабаларга табиат компонентлари ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Бунинг учун ҳар бир ўқув хонасига проекторлар, факультетни катта хоналарига электрон доскалар электрон доскалар ўрнатиш орқали моддий-техник таъминотни модернизация қилиш.

2-вазифа: Табиат компонентларини мукамалроқ ўрганиш мақсадида факультетда жойлашган ўқув лабораторияларини янги замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан бойитиш.

Ўқув лабораторияларини замонавий ускуналар ва жиҳозлар билан бойитиш таълим жараёнини сезиларли даражада яхшилайти ва профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга илмий тажрибаларни амалга оширишда ёрдам беради. Замонавий технологиялар, илмий ускуналар ва инновацион материаллар таълим жараёнининг самарадорлигини оширади ва талабаларга янада қизиқарли ва самарали таълим беради. Бундай ёндашув, шунингдек, талабаларнинг илмий қобилиятларини ривожлантириш ва амалий кўникмаларни шакллантиради. Шу боисдан факультетда жойлашган ўқув лабораторияларини янги замонавий микроскоплар, спектрофотометрлар, термометрлари ва бошқа илмий ўлчов асбоблари билан янада бойитиш.

3-вазифа: Талабалар “География смарт хонаси”да мавжуд замонавий планшетлар ёрдамида интерактив хариталардан ҳамда виртуал тур ва симуляция дастурларидан фойдаланиш асосида касбий компетенцияларни ривожлантириш.

География таълимини харита ва глобусларсиз тасавур қилиш мумкин эмас, ваҳоланки ҳозирги глобаллашув даврида ер юзидаги турли минтакаларда

сиёсий ўзгаришлар ва табиий географик жараёнлар тез-тез содир бўлмоқда, бу эса реал вақтда ушбу жараёнларни интерактив хариталар ёрдамида ўрганиш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, географик воқеа ва ҳодисалар, объектлар билан яқиндан танишиш учун замонавий планшетларга ўрнатилган виртуал тур ва симуляция дастурлари ёрдамида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин, Масалан, махсус иловалар ёрдамида Амазонка ўрмонларида ёки дунёнинг энг баланд Эверест чўққисида виртуал таризда сайр қилиш мумкин. Бундай имконияларнинг мавжудлиги бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларни янада ривожлантиради.

4-вазифа. География кафедраси қошида фан соҳаларидан келиб чиқиб, “Геология хонаси”, “Табиий география хонаси”, “Иқтисодий-ижтимоий география хонаси” каби ўқув хоналарини ташкил этиш.

Талабаларнинг фан соҳаларига қизиқишларини янада ошириш ҳамда касбига бўлган мотивациясини янада ривожлантириш мақсадида ўқув хоналарини география фани тармоқлари хусусиятларидан келиб чиқиб жиҳозлаш ўқув машғулотларининг жозибадорлигини ва билимларни ўзлаштириш самарадорлигини янада оширади. Шу боисдан “Геология хонаси”га геологик тошлар билан ҳамда деворларга геологик даврларни ва қатламларни акс эттирувчи жадвал, харита ва расмлар билан жиҳозлаш, худди шунингдек “Табиий география хонаси” ва “Иқтисодий-ижтимоий география хонаси” керакли харита, жадвал, диаграмма ва расмлар билан жиҳозлаш талабаларнинг фанга ва касбга оид компетенцияларини ривожлантиришга ёрдам беради.

5-вазифа: Факультет қошида ташкил этилган замонавий географик майдончани такомиллаштириш мақсадида янгича жиҳозлар ва кўргазмали материаллар билан бойитиш.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларни ривожлантиришда ўқув хоналарини жиҳозлаш билан биргаликда замонавий географик майдончани ҳам такомиллаштириш лозим. Бунинг учун, бу ерда очиқ аудиторияларни ташкил этиш, талабаларга тоғ жинслари ва уларнинг турлари ҳақидаги билим ва кўникмларини янада ривожлантириш мақсадида “геологик бурчак” ташкил этиш ҳамда тупроқ турлари ва уларнинг она жинслари ҳақидаги тасаввурларини янада бойитиш мақсадида тупроқ наъмуналари жойлаштирилган жавонни ўрнатиш орқали замонавий географик майдончани такомиллаштирилади.

Моддий-техник таъминотни модернизациялашдан кутилаётган натижалар:

- Интерактив хариталар, виртуал тур ва симуляция дастурлари касбий компетенцияларни янада ривожлантиришга ёрдам беради.

- Wi-Фи интернет тармоғига уланган замонавий планшетлар ёрдамида турли хил таълим платформаларидан маълумотларни тезкор топиш имконини беради.

- Маълумотларни кўргазмали тарзда тақдим этиш орқали талабаларнинг билим ва тасаввурларини янада бойитади.

- Замонавий планшетлар ёрдамида ўқувчиларни қизиқтирадиган ва амалий кўникмаларни ривожлантирадиган ўйинли топшириқларни бажариш орқали талабаларнинг касбга бўлган мотивациясини оширади ва дарсларга қизиқишини орттиради.

- Бўлажак ўқитувчилар янги ва инновацион таълим усулларини ўрганадилар, бу эса уларнинг креатив фикрлаш қобилиятларини янада ривожлантиради.

- Интерактив хариталар, кўргазмали воситалар ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривжлантиришга ёрдам бериш билан бирга уларни дарсга фаол қатнашишга ундайди.

- Замонавий географик майдончада ўқув машғулотларини олиб бориш яъни реал шароитда амалий машғулотларни бажариш талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш имкониятини беради.